

ҚУМҚЎРҒОНДА "ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ" БОЛАЖОНЛАРГА ТОПШИРИЛДИ



Янги йил кўпчилик болажонларнинг севимли байрамларидан бири саналади. Кутилган ва кутилмаган совғалар эртак қаҳрамонлари, турли байрам тадбирлари барчага кўтаринки кайфият бағишлайди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Нормўмин Алланазаров тадбирда иштирок этиб, иштирокчиларни байрам билан қутлади ва 24 нафар ота-она қарамоғисиз қолган болаларга “Президент совғаси”ни топширди.

Шунингдек туман ҳокимлиги ва Маҳалла хайрия жамоат фонди томонидан 200 га яқин болажонларга янги йил совғалари топширилди.

Қорбобо ва Қорқиз, эртак қаҳрамонларининг чиқишлари, куй-қўшиқлар болаларга бир олам завқ бағишлади.